"ANTROPOGEN LANDSHAFTSHUNOSLIK: TADQIQOT METODLARI, MODERNIZATSIYA VA BARQAROR RIVOJLANISH"

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
Samarqand sh., 2024 yil 17-18 may

«АНТРОПОГЕННОЕ ЛАНДШАФТОВЕДЕНИЕ: МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ, МОДЕРНИЗАЦИЯ И УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ»

международная научно-практическая конференция
г.Самарканд, 17-18 мая 2024 г.

"ANTHROPOGENIC LANDSCAPE SCIENCE: RESEARCH METHODS, MODERNIZATION AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT"

International scientific-practical conference
Samarkand, May 17-18, 2024





XODIMLAR BO'LIMI
ASLIGA TO'G'RI

O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti
O'zbekiston Geografiya jamiyati
Pomoriya Akademiyasi (Slupsk, Polsha)
Oltoy davlat universiteti
Shimoliy Kavkaz Federal universiteti
Chuvash davlat universiteti
O'sh davlat universiteti

"ANTROPOGEN LANDSHAFTSHUNOSLIK: TADQIQOT METODLARI, MODERNIZATSIYA VA BARQAROR RIVOJLANISH"

mavzuidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
Samarqand, 2024 yil 17-18 may

Samarqand - 2024

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI SHAHRISABZ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
XODIMLAR BO'LIMI
ASLIGA TO'G'R'

«Antropogen landshaftshunoslik: tadqiqot metodlari, modernizatsiya va barqaror rivojlanish» xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (Samarqand, 2024 yil 17-18 may). – Samarqand, 2024. – 421 b.

Tahrir hay'ati:
Abbasov S.B., g.f.d. professor (mas'ul muharrir);

Izzatullaev Z., b.f.d.professor; **Axmadaliyev Y.I.,** g.f.d. professor; **Boymirzaev K.M.,** g.f.d. professor; **Ravshanov A.X.,** g.f.f.d. dotsent; **Ibragimov L.Z.,** g.f.d. professor; **Sabirova N.T.,** g.f.f.d. dotsent; **Mamajonov R.I.,** g.f.f.d. (PhD); **Usmonov M. R.,** g.f.n., dotsent; **Qobilov E.E.,** t.f.d., professor; **Meliyev B.A.,** g.f.f.d. dotsent.

To'plamda Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universitetida 2024 yil 17-18 may kunlari bo'lib o'tgan **«Antropogen landshaftshunoslik: tadqiqot metodlari, modernizatsiya va barqaror rivojlanish»** xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya ishtirokchilarining ilmiy maqolalari chop etilgan. Konferensiya O'zbekiston Geografiya jamiyati, Oltoy davlat universiteti, Shimoliy Kavkaz federal universiteti, Chuvash davlat universiteti, Pomoriya Akademiyasi (Polsha), O'sh davlat universiteti bilan hamkorlikda o'tkazildi. Maqolalar mavzulari antropogen landshaftshunoslik tadqiqotlarda GIS texnologiyalari va innovatsiyalarni qo'llash, antropogen landshaftlarni tadqiq etishda zamonaviy iqtisodiy va ijtimoiy geografik tadqiqotlar, global iqlim o'zgarishi sharoitida suv resurslaridan foydalanish va landshaftlar modernizatsiyasi, atrof-muhit monitoringi va landshaftlar ekologiyasi masalalariga bag'ishlangan. Ushbu maqolalar to'plami geograf mutaxassislar, talabalar, magistrantlar, doktorantlar, o'qituvchilar, shuningdek, barcha zamonaviy geografiya faniga qiziquvchilar uchun mo'ljallangan.

Mazkur to'plamga kiritilgan maqolalarning mazmuni va statistik ma'lumotlarining to'g'riligi uchun mualliflar javobgardir.

© **Samarqand davlat universiteti, 2024**

Birinchidan, hududlarda diniy qadamjolarni aniqlash va ularni qayta ta'mirlash;

Ikkinchidan, diniy qadamjolarni har bir viloyat bo'yicha atlasini ishlab chiqish;

Uchinchidan, islom diniga e'tiqod qiladigan davlatlar turistik firma va kompaniyalari bilan hamkorlikni yanada rivojlantirish va islom dunyosidan keladigan turistlar uchun shart-sharoitlar yaratish;

To'rtinchidan, mahalliy turizmni tashkil etish va rivojlantirishda ziyoratchilar talabini o'rganish va ziyorat va diniy turizmni rivojlantirish uchun xorijiy davlatlarda reklamaga jiddiy e'tibor qaratish va boshqalar.

Foydalangan adabiyotlar

1.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" dagi PF-60-sonli farmoni.-Toshkent sh., 2022-yil 28-yanvar.

2. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. -Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2021, - 464 b

3. Александрова А.Ю. География туризма.-Москва,2010

4.Isaqova Z.R. Ziyorat turizmi va sayyoxlik imkoniyatining yangi istiqbollari//Buxoro islom madaniyatini modernizatsiyalash va turizmni barqaror rivojlantirish istiqbollari. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari, 2020-yil 24-fevral, Buxoro.150 b.

5.Usmanov M.R. Turizm geografiyasi: o'quv qo'llanma. — Samarqand, «SamDU», 2019. 257 b.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЖАҲОНДАГИ БАЪЗИ ПОЙТАХТ ШАҲАРЛАР НОМЛАНИШИГА ОИД БАҲС-МУНОЗАРАЛИ МАСАЛАЛАР

Байқабилов Х.М.
Шахрисабз давлат педагогика институти, Ўзбекистон

Аннотация: *ушбу мақолада география таълимида жаҳон пойтахт шаҳарларнинг номланишига оид баҳс-мунозарали масалалари ёритилган. Шунингдек мақолада, Ал-Кувайт, Дўҳа, Кобул, Бағдод сингари баъзи пойтахт шаҳарларини аслиятда қандай номланиши хусусида сўз боради.*

Калит сўзлар: *шаҳар, пойтахт шаҳар, миллий стандартлаштириш, пойтахтларнинг географик хусусиятлари, Ал-Кувайт, Дўҳа, Кобул, Бағдод.*

Спорные вопросы наименования некоторых столиц мира в географическом образовании

Аннотация: *в данной статье рассматриваются спорные вопросы, связанные с наименованием мировых столиц в географическом образовании. В статье также говорится о том, как первоначально назывались некоторые столицы, такие как Аль-Кувейт, Доха, Кабул, Багдад.*

Ключевые слова: *город, столица, национальная стандартизация, географические особенности столиц, Эль-Кувейт, Доха, Кабул, Багдад.*

Controversial issues of the names of some capitals of the world in geographical education

Abstract: *This article covers controversial issues related to the naming of world capital cities in geography education. The article also talks about how some capital cities like Al-Kuwait, Doha, Kabul, Baghdad are originally named.*

Key words: *city, capital city, national standardization, geographical features of capitals, Al-Kuwait, Doha, Kabul, Baghdad.*

Кириш. Жаҳон пойтахтларининг номлари геосиёсатда "*ҳудуд номланиши*" категорияси сифатида геосиёсий макон тасаввурлари тизимига киритилган. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, ҳудуднинг номланиши ўзида муайян дунёқарашни акс эттириши мумкин. Пойтахтлар номи турли сабабларга кўра ўзгаради. Баъзан мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа сабаблар пойтахтларнинг расмий номини ўзгаришига ёки умуман истеъмолдан чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан пойтахтларнинг номларини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларнинг номланишини тўғри ёзиш ва номлаш каби "нозик" жиҳатларини таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади.

Асосий қисм. Жаҳон пойтахтлари номларининг миллий стандартлаштириш бўйича БМТ томонидан қабул қилинган тавсияларининг таҳлили ва республика география таълимида фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, пойтахтларнинг номини стандартлаштирилган миллий шаклини ягона электрон база асосида рўйхатини (номенклатураси) шакллантиришдан иборат. Бунинг учун қуйидаги вазифалар белгиланиши зарур:

Бунинг учун қуйидаги вазифалар белгиланиши зарур:

-пойтахт шаҳарлар номларининг келиб чиқишини гуруҳларга ажратиш ва тавсиф бериш;

-жаҳон пойтахтларининг номларини миллий стандартлаштириш масалаларини ўрганиш;

-тадқиқот натижалари асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш;

-жаҳондаги номи ўзгараётган айрим пойтахтларни аниқлаш ва ўзгариш сабабларини ўрганиш.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, пойтахтлар номларининг келиб чиқишида ва ёзилишида чалкашликлар бўлади.

Шу ўринда қайд этишимиз зарурки, республикамизда жаҳон пойтахтлари номларининг ёзилиши, талаффузи ва аталиши шаклларини стандартлаштириш, яъни, дунёнинг сиёсий харитаси, географик атлас, илмий асарлар, дарсликлар ҳамда оммавий ахборот воситаларида (ОАВ) бир хилликда ёзилиши ва аталишини таъминлаш масъулиятли вазифа ҳисобланади. Баъзан пойтахтларнинг номлари ОАВ материалларида бошқача, дарсликларда тубдан бошқа шаклда талқин этилади.

Демак, пойтахтларнинг номлари ёзилиши, талаффуз этилиши, аталиши (номланиши) ҳар-хилликдан иборат. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, республикамиз таълим тизимида жаҳон пойтахтлари номларининг миллий стандартлаштириш (*халқаро расмий номи асосида*) лозим деб ҳисоблаш мумкин.

Бугунги кунда муайян давлатга тегишли географик номларга нисбатан тўғри ёзиш қоидалари тўғрисидаги ахборот доцент А. Ибраимова маълумотларига кўра, БМТ қарорига мувофиқ чоп этиладиган мамлакатларнинг топонимик йўриқномаси (қўлланмаси)дан олиниши мумкин. Сўнгги йилларда БМТ географик номларни стандартлаш муаммоларига эътибор қаратиб келмоқда. БМТ ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи (UNGEGN) географик номлар бўйича фаолият юритади. Экспертлар гуруҳи географик номлар йўриқномаларига кўрсатмалар бериши мумкин [.244-б.].

Миллий стандартлаштиришда жаҳон мамлакатларининг номлари 3 гуруҳга ажратилади:

1. Тўлиқ таржима қилинадиган номлар;
2. Қисман таржима қилинадиган номлар;
3. Таржима қилинмайдиган номлар.

Жаҳон пойтахтларининг турли-туманлиги уларни номлашда маълум тизим (топонимик қонуниятлар, шакллар, қўшимчалар)га асосланади:

1. Пойтахт номининг 2-3 сўздан таркиб топиши: Порт-Луи, Сан-Томе, Аддис-Абеба, Ар-Риёд, Бандар-Сери-Бегаван, Абу-Даби, Тель-Авив, Ал-Кувайт, Куала-Лумпур, Улан-Батор, Андорра-ла-Вилья, Сан-Марино, Порт-Вила, Порт-Морсби, Порт-оф-Спейн, Порт-о-Пренс, Сент-Жоржес, Санта-фе-де-Богота, Сан-Хосе, Сан-Салвадор, Сент-Жонс, Буэнос-Айрес, Санто-Доминго, Кабо-Верде, Гвинея-Бисау, Коста-Рика, Кот-д Ивуар (27 та);

2. Пойтахт номига "порт" сўзи қўшиб аталиши: Порт-Луи, Порт-Вила, Порт-Морсби, Порт-оф-Спейн, Порт-о-Пренс (5 ta);

3. Пойтахт номига -**санта, -сан, -сент қўшимчалари** билан аталиши: Сан-Томе, Сан-Марино, Сент-Жоржес, Санта-фе-де-Богота, Сан-Хосе, Сан-Салвадор, Сент-Жонс, Санто-Доминго (8 та);

4. **Пойтахт номида кўш уидошларинииг** кўлланилиши: Аддис-Абеба, Андорра-ла-Вилья, Брюссель, Таллинн, Валетта, Лиссабон, Дакка, Аккра, Браззавиль, Оттава, Канберра, Веллингтон (13 та);

5. Жаҳон бўйича 18 та **мамлакатнинг номи ва пойтахт шаҳарлари бир хил** номланган (1-жадвал).

Биз қуйида жаҳондаги Ал-Кувайт, Дўҳа, Кобул, Боғдод сингари баъзи пойтахт шаҳарларини аслиятда қандай номланиши хусусида фикрлашишни лозим топдик. Арабистон яриморолида жойлашган Қувайт давлат номида кўп хато қилинади. Ҳатто, қарор ва фармонларда, расмий идоралар сайтлари, интернет нашрлари саҳифаларида ва бошка ўринларда Қувайт шаклида янглиш ишлатилганини кўриш мумкин. Албатта, хеч ким хатодан холи эмас. Давлатнинг номи – Кувайт. Араб тилида – давлат ул-Кувайт. Кичик худудга эга бу мамлакатнинг пойтахт номи хам ал-Кувайтдир. Кувайт арабчада "*шаҳарча*", "*қўрғон*" маъносини англатади [2]. Қатар пойтахти номини кўп жойда Доха деб ёзишади. Русчадан таржима қилганлар шу шаклни олиб қўйган бўлса керак, деган хулоса келиб чиқади. Сўзнинг аслияти қанақалиги, ўзбекча манбаларда қандай ёзилганига кўп эътибор берилмайди. Қатар пойтахти номи аслиятда الدوحة – *ад-Дўҳа* кўринишига эга.

Бир тахминга кўра, шаҳар номи арабча *ад-дўҳа* – "*катта дарахт*" сўзидан келиб чиққан.

Маҳаллий ҳокимият берган маълумотга кўра, шаҳар номи *дўҳат* – "*кўрфаз*", "*айлана*" сўзларидан келиб чиққан. Чунки, шаҳар атрофи ёй шаклидаги кўрфаздан иборат.

1-жадвал*

Жаҳон мамлакатлари ва пойтахтларининг бир хил номланиши

№	Мамлакатлар	Пойтахт шаҳарлари	Номнинг асоси
1	Андорра	Андорра- ла-Велья шаҳри	Текислик номи
2	Бразилия	Бразилия шаҳри	Мамлакат номи
3	Ватикан	Ватикан шаҳри	Шаҳар-давлат
4	Гватемала	Гватемала шаҳри	Шаҳарнинг номи
5	Гвинея-Бисау	Бисау шаҳри	Шаҳарнинг номи
6	Гибралтар	Гибралтар шаҳри	Тоғнинг номи
7	Жазоир	Ал-Жазоир шаҳри	Шаҳарнинг номи
8	Жибути	Жибути шаҳри	Қоянинг номи
9	Люксембург	Люксембург шаҳри	Қалъанинг номи
10	Монако	Монако шаҳри	- Шаҳар-давлат
11	Панама	Панама шаҳри	Шаҳарнинг номи
12	Сальвадор	Сан-Сальвадор шаҳри	Шаҳарнинг номи
13	Сан-Марино	Сан-Марино шаҳри	Шаҳар-давлат
14	Сан-Томе ва Принсипи	Сан-Томе шаҳри	Шаҳарнинг номи
15	Сен-Пьер ва Микелон	Сен-Пьер шаҳри	Шаҳарнинг номи
16	Сингапур	Сингапур шаҳри	Шаҳар-давлат
17	Тунис	Ат-Тунис шаҳри	Шаҳарнинг номи
18	Кувайт	Ал-Кувайт шаҳри	Шаҳарнинг номи

*жадвал манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида Қатар пойтахтини аслиятга мос шаклда ёзган – Дўҳа [6; 402-б]. Ҳатто Доха шаклида ҳам эмас. Ўзбекчада *дўҳа* сўзини бемалол айтиш мумкин, бу тилга қийинчилик туғдирмайди. Шаҳар номини айни шу шаклда ифодалаш тўғри.

Афғонистон пойтахти номини ёзишда кўп хатоликлар, хилма-хилликлар кузатилади. Хўш, қай бири тўғри: Кобулми ёки Қобул? Кобул шакли тўғри. Пуштун ва дарий тилларида бу сўз коф (ک) ҳарфи билан ёзилади. Кобул сўзининг этимологияси ҳақида турли тахминлар бор:

Бир тахминга кўра, у капул – "сомон кўприк" маъносини англатади.

Рус номшунос олими Е.М.Поспелов фикрича, шаҳарга шу номдаги дарёнинг оти берилган [11; 80-б].

Шаҳар милоддан олдинги давр манбаларида Кубра номи билан аталган. Аҳамонийлар пайтида шаҳар Кабур деб номланган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида шаҳар Кобул шаклида берилган [7; 642-643-б].

Бағдод топонимини ёзишда кўп хато қилинади. Хўш, аслида қандай ёзган тўғри? Ироқ пойтахти Бағдод номи узоқ тарихга эга. Бу ном милоддан олдинги Х асрларга оид оссурий миххатларида учрайди. Бағдод топонимининг келиб чиқиши ҳақида ҳар хил қарашлар бор.

Википедия маълумотларига кўра, у ўрта форс тилидаги *бог* ва *дод* сўзларидан олинган бўлиб, *"Худо берган"*, *"Худонинг инъоми"* маъносини англатади [3]. Қадимги форс тилида *бог* сўзи Худони англатган. Бу сўз славянчада *"бог"*, ҳиндчада *"бҳаг"* кўринишига эга бўлган [4].

Боғ сўзи қатнашган бошқа топонимлар ҳам бор. Афғонистондаги Боғлон ва Баграм, Эрондаги Боғшан, Грузиядаги Багдати шаҳарлари номида катта эҳтимол билан ана шу боғ сўзи қатнашган. Бошқа бир камроқ тарқалган вариант ҳам бор: боғ – *"бог"*, дод – *"берилган"*. Яъни, *"совға қилинган"*, *"инъом этилган"* маъносида қўлланилган.

Ҳозирги Бағдод шаҳрига ВИИИ асрда аббосий халифа Абу Жаъфар Мансур асос солган. У шаҳарни Мадинат ус-Салом – "тинчлик шаҳри" деб атайди [5;115-б]. Бироқ оддий одамлар шаҳарни шу жойларнинг эски номи билан аташда давом этади. ХИ асрга келиб Бағдод шаҳарнинг асосий номига айланади. Шаҳар номи форс тилидан араб тилига ўтган ва товуш ўзгаришларига учраган. Ўзбек тилига араб тилидан кириб келган.

Фарғона вилоятидаги туманлардан бирининг маркази ҳам Бағдод деб аталади. Бағдод шаҳарчаси 1894-1962 йилларда Серово деб номланган. Маҳаллий халқ, асосан ёши катталар орасида шаҳарчани баъзан шундай аташ ҳозир ҳам учраб туради. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ҳам, энциклопедик луғатда ҳам Ироқ пойтахти ва Фарғонадаги туман номи Бағдод шаклида берилган [5;116-б].

Хулосалар

1. Жаҳон пойтахтлари номини расмий ҳужжатларда нотўғри ёзиш ва номлаш, улар ўртасидаги дипломатик, маданий ва иқтисодий алоқаларга путур етказиши мумкин.
2. Жаҳон пойтахтлари номларини миллий стандартлаштиришда жаҳон мамлакатларининг умумий рўйхати аниқ сонда ифода этилиши зарур;
3. Жаҳон пойтахтлари номларининг миллий стандарти халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ва БМТ томонидан амал қилинадиган умумий принципларга мос бўлиши керак;
4. Жаҳон пойтахтлари номларининг рўйхати ўзбек адабий тилининг меъёрий талабларига мувофик тузилган бўлиши керак;
5. Демак, пойтахт шаҳарлар номи – бу қадрият. Биз бу қадриятни ўсиб келаётган ёш авлод – мактаб ўқувчиларига география таълими орқали сингдириб боришимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Боднарский М.С. Географик номлар луғати –Т.: "Ўрта ва олий мактаб"1961,459б.
2. Жаҳон мамлакатлари: қисқа маълумотнома / масъул муҳаррир А.Ҳазратқулов. –Т.: "Шарқ" НМАК Бош таҳририяти, 2006, –383 б.
3. Эргашев.Ш. Қадимги цивилизациялар. –Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2016. –360 б.
4. Hakimov Q. Toponimika –T: MUMTOZ SO'Z, 2016. –368 б.
5. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 1-jild. A-Beshbaliq. Tahrir hay'ati: M.Aminov, B.Ahmedov, H.Boboyev va b.T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2000. –736 b.
6. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 3-jild. Gidrofiliya-Zebralar. Tahrir hay'ati: M.Aminov, B.Ahmedov va b.T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2002. –704 b.
7. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 4-jild. Zebunniso-Konigil. Tahrir hay'ati: M.Aminov, T.Daminov, T.Dolimov va b.T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2002. –704 b.
8. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 5-jild. Konimex-Mirzoqush. Tahrir hay'ati: M.Aminov, T.Daminov, T.Dolimov va b.T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2003. – 704 b.

9. Азимов А. Слова на карте. Географические названия их смысл. –М.:ЗАО Центрполиграф, 2007. 367 с.

10. Никонов.В.А. Краткий топонимический словарь.М., "Мысль", 1966. 509с.

11. Поспелов Е.М. Школьный топонимический словарь –М.: Просвещение, 1988.-224с.

12. Все столицы мира / Авторы-сост: О.В.Зыкина, Л.А.Бурлуцкая, Г.А.Гальперина, Н.В.Иванова. – М.: Вече, 2004. – 592 с. (илл 16).

13. Поспелов Е.М. Географические названия мира: Топонимический словарь. – М.: Русские словари: ООО "Издательство Астрель", 2002. – 512 с.

14. Все столицы мира: Популярный справочник / Авт-сост. Л.Е.Еремина. – М.: Дрофа, 2001. – 304 с.

15. Азимов А. Слова на карте. Географические названия и их смысл. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2007. – 367 с.

Интернет сайт:wikipedia.org
Интернет сайт: geografiya.ru

СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ ПРОЕКЦИЯ НА АНТРОПОГЕННЫЕ ЛАНДШАФТЫ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

Даньшин А.И.
Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Россия
Мавлонов А.М. Эргашев А.К.
Бухарский государственный педагогический институт, Узбекистан

Аннотация. *Рассматривается современная интерпретация понятия агроландшафта и проекция селького хозяйства на разные по интенсивности использования ландшафты. Определено, что современное административное деление предполагает сочетание в каждом районе участков значительно преобразованных ландшафтов орошаемых земель и прилегающих пустынных природно-территориальных комплексов. От этого сочетания зависит сельскохозяйственная специализация территории.*

Ключевые слова. *агроландшафт, Бухарская область, ирригация, трансформация, сельскохозяйственная специализация.*

Agricultural projection on anthropogenic landscape of Bukhara region

Abstract. *The modern interpretation of the concept of the agricultural landscape and the projection of agriculture on landscapes of different intensity of use are considered. It is determined that the modern administrative division assumes a combination of significantly transformed landscapes of irrigated lands and adjacent desert natural-territorial complexes in each district. The agricultural specialization of the territory depends on this combination.*

Key words: *agrolandscape, Bukhara region, irrigation, transformation, agricultural specialization.*

Сельское хозяйство – специфическая отрасль хозяйства, производящая продукты питания для населения и сырье для некоторых отраслей промышленности. При этом сельское хозяйство до сих пор еще в значительной степени зависит от компонентов природной среды (климата, почв, водных источников и т.п.), а процесс получения продукции не может осуществляться без учета природных факторов, значимых в жизни растений и животных. Поэтому сельское хозяйство и отдельные его отрасли имеют зональную специализацию, в той или иной мере совпадающую с природными зонами, а само производство формирует новые типы ландшафтов, измененные человеком – агроландшафты.

Еще в 1915 г, в работе «Предмет и задачи географии» Л.С. Берг писал: «Природными ландшафтами мы называем такие, в создании которых человек не принимал участия, в отличие от культурных, в которых человек и произведения его культуры играют важную роль» [1].

Разные ученые не одинаково дают определение агроландшафта.

Xamidova M.Z.	Arxeologik yodgorliklar va tarixiy manzilgohlarni geografik va arxeologik jihatdan o`rganishning ilmiy-nazariy jihatlari………	234
Yormamatov Sh.Z. **Ikramova A.I.**	Ziyorat turizmini rivojlantirish xususiyatlari……………………	237
Байкабилов Х.М.	География таълимида жаҳондаги баъзи пойтахт шаҳарлар номланишига оид баҳс-мунозарали масалалар………………	239
Даньшин А.И. **Мавлонов А.М.** **Эргашев А.К.**	Сельскохозяйственная проекция на антропогенные ландшафты Бухарской области…………………………………	243
Кадыров М.А. **Улмасова З.** **Ишанкулова Д.**	Изменение в динамике численности населения в Самаркандской области…………………………………………	247
Платонова С.Г. **Скрипко В.В.**	Современный морфогенез поверхности урбанизированных территорий (на примере г. Барнаул, Россия)…………………	251
Турдимамбетов И.Р. **Балтабаев О.О.**	Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг шаклланишида маҳаллий гидрологик топотерминларнинг роли ва аҳамияти…………………………………………………	254
Щербаева З.Э. **Исакова У.И.** **Кузибоева О.М.**	Модернизация и ландшафтные изменения: изучение влияния урбанизации, индустриализации и интенсификации сельского хозяйства на ландшафты………	259
Хасанов Ж.Ю. **Шакарбоева Ф.И.**	Стратегические направления развития экотуризма (на примере бассейна Среднего Зарафшана)…………………	261

III-SHO'BA: GLOBAL IQLIM O'ZGARISHI SHAROITIDA SUV RESURSLARIDAN FOYDALANISH VA LANDSHAFTLAR MODERNIZATSIYASI

Ахмадалиев Ю.И. **Джўрабоева Х.Ш.** **Шадманова Б.З.**	Фарғона водийсида шаклланган анъанавий сувдан фойдаланиш маданиятининг экологик-географик асослари..	267
Волчек А.А. **Городнюк Ю.П.**	Особенности влияния зимних температур воздуха и почвы на урожайность озимых культур белорусского полесья………	270
Волчек А.А.	Оценка влияния подстилающей поверхности водосбора на сток рек (на примере р. Ясельда)…………………………………	274
Корнеев В.Н. **Гертман Л.Н.**	Оценка направленности русловых процессов с целью разработки мероприятий по предотвращению негативных последствий…………………………………………………	278
Рахмонов К.Р. **Магдиев Х.Н.** **Холтожиева О.Т.**	Тоғ дарёлари ҳавзалари сиртидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллиги мониторинги хариталарини тайёрлашда ГАТ технологияларини қўллаш…………………………………	281
Хикматов Ф. **МагдиевХ.Н.** **Рахмонов К.Р.**	Картографирования поверхностных водных объектов и их ресурсов с применинием ГИС технологий……………………	286
Хикматов Б.Ф.	Тоғ дарёларининг ёмғир, эриган қор ва музликлардан ҳосил бўлган максимал сув сарфларини ҳисоблаш масалалари…..	292
Эрлапасов Н.Б. **Гофиржанов К.Ф.** **Данияров Э.Ш.**	Тоғ дарёларининг тўйинишига турли манбалар қўшган ҳиссаларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришлари…….	297
Юнусов Ғ.Х. **Довулов Н.Л.** **Куватов Д.Р.** **Рўзикулов Ж.О.**	Қашқадарё воҳаси суғориш тизимига олинган сув миқдорлари динамикаси таҳлили…………………………	301
Ян Лукашевич **Иван Кирвель**	Проявление ледовых явлений на реке [illegible]…………………	305

ASLIGA TO'G'RI